

Мен бир ташкилотда етакчи мутахассис лавозимида ишлайман. Бу ерга ишга кирганимга ҳали бир йил тўлгани йўқ. Аввалги иш жойимда катта байрамлар олдидан мукофот берилар ва байрамдан бир кун олдин ярим кун ишлар эдик, холос. Бундай тартиб ҳамма жойда бир хилми ёки...

3 бет

Низомиддин бола билан овора бўлаётган вақтда акаси деярли ҳушидан кетган қиз уларни таниб қолганидан ҳавотирга тушган, шу боис ошхонага кириб, у ерда пичоқ олиб чиққан эди. У ҳозир ана шу пичоқни укасининг қўлига тутқазди...

8 бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУҚ



1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2010-йил 16-dekabr, №50 (727)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 21 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги 69-11-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2000 йил, № 5-6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда, № 9, 494-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда) 5-моддасининг бешинчи қисми қуйидаги тақрирда баён этилсин:

"Микрофирма ва кичик корхона ҳодимларининг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун ва кейинги уч ойга улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Ушбу қонда қуйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди:

микрофирма ва кичик корхона Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг биттирувчилари билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ҳодимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 20 фойз оширилганда. Ҳодимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари биттирувчиларининг ўқиниш тугаллаган кунидан бошлаб уч йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирда йўл қўйилади;

кичик корхона ўз уйида ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ҳодимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фойз оширилганда".

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кириadi.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 13 декабр № ЎРҚ-265

«Халқ сўзининг» 2010 йил 14 декабр,
239 (5154)-сонидан олинди



Обуна - 2011
Хурматли юрдошлар!

Хуқуқий маданиятни янада юксалтириш олдимизда турган устувор вазифалардан биридир. Бу жараён ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишининг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган "НУҚУҚ" газетаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкламоқда.

Прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақола-лар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Шунингдек, тахририятимизга йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди.

2011 йилда ҳам "НУҚУҚ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАНГИ!

НАШР ИНДЕКСИ — 231

Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган масаладир. Президентимиз Исроом Каримов таъкидлаганидек, мустақил Ўзбекистоннинг янги кишини тарбиялаш замон талабидир. Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканлигини ҳамisha ёзда тутишимиз керак.

Ёшлар миллат ва юрт келажаги

Давлатимизда ёшлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида"ги Қарориди вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга ҳамда улар-

нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган аниқ чоралар белгилаб қўйилган.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан ҳам вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини таъминлаш борасида тегишли ишлар амалга ошириб келмоқдалар.

2010 йилнинг ўтган 11 ойи давомида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан вояга етмаганларга оид қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларининг ижроси юзасидан

Жараён

320 та текшириш ўтказилиб, натижаси бўйича 210 та протест келтирилди. 440 та тақдимнома киритилиб, 815 нафар шахс интизомий, 483 нафар шахс маъмурий, 13 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди, 49 та жиноят иши қўзғатилди. 15 794 минг сўмлик зарар ихтиёрий равишда ундирилди. Вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга 10 та даъво аризаси киритилди ва 114 нафар вояга етмаганларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Масалан, Мўйноқ маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи иморатининг капитал реконструкция ишларини бажарган "260-сонли Қурилиш монтажлаш поезди" МЧЖ мутасаддилари таъмирлаш ишларига ажратилган бюджет маблағларидан жами 15 858 минг сўмини талон-торож қилганлар. Ушбу ҳолат юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, келтирилган зарар дастлабки тергов даврида тўлиги билан ундирилди. Айбдорларга суд томонидан қонунга мувофиқ тегишли жазо тайинланди.

/Давоми 5-бетда/

Ҳакамлик судларига бағишланди

Ўткиржон ДЕХҚОНОВ,
«НУҚУҚ»

корлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлайди, балки мамлакатимизда қулай инвестицион муҳитни шакллантиради. Шу билан бирга, республикамизга кириб келаётган хорижий давлатлар инвестициялари оқимини кўпайтириш учун ҳам кенг шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади. Ҳакамлик судининг мавжудлиги хорижий инвесторлар учун кафолат вазифасини ўтайди. Қолаверса, ҳакамлик судлари мамлакатимизда қулай бозор инфратузилмасини шакллантириш ва низоларни кўриб чиқишни халқаро стандартлар даражасига кўтариш учун имкон беради.

"Ҳакамлик муҳокамасига оид қонунчиликни тақомиллаштириш масалалари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ҳам бу борадаги фаолиятни янада мустаҳкамлашга бағишланди. Конференцияни Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар Координатори ҳамда Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази (ХМУМ) билан ҳамкорликда ташкил этдилар.

Конференцияда ҳакамлик судьялари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари иштирокида ҳакамлик муҳокамаси, мазкур соҳадаги хорижий давлатлар тажрибаси ва ҳакамлик судлари фаолиятини тақомиллаштириш, бу борадаги миллий қонунчиликимизни қайта кўриб чиқиш масалалар хусусида сўз борди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонуни юзасидан ҳам фикрлар билдирилди.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, фуқаро ва ҳўжалик юртувчи субъектларнинг ҳуқуқ-манфаатларини қонуний ҳимоя қилишда демократик тамойилларни қучайтириш, судлар ҳамда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган миллий стратегия белгилаб олинди.

Шу билан бир қаторда, "Чет эл арбитраж қарорини тан олиш ва уни ижро этиш ҳақида" - ги 1958 йилги Нью-Йорк Конвенциясига имзо чеккан дунёнинг 120 та давлати қаторида Ўзбекистон Республикаси ҳам 1995 йилда мазкур конвенцияга қўшилиши билан юртимизда судловнинг янги, нодавлат тури - ҳакамлик судларини жорий этишга замин ҳозирлади. Юртбошимизнинг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонуннинг яратилишига асос бўлиб хизмат қилди. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимиз суд тизимида низоларни давлат судларидан ташқари, бутун дунёда суд институти сифатида тан олинган арбитраж тартибиди ҳал этиш имконияти вужудга келди. Ҳозирда Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси республикамизнинг деярли барча вилоятларида ўз ваколатхоналарини очди.

Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси қисқа фаолияти давомида қатор халқаро ташкилотлар, шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатларнинг 80 дан ортиқ арбитраж судлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди.

Ҳакамлик судларининг республикамизда фаолият кўрсатиши, нафақат маҳаллий тадбир-

Нафсим мени хор айлади

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланмоқда. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги Қонун, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган Президент Фармонлари, Ҳукумат Қарорлари бу соҳа кишиларининг эмин-эркин фаолият юритишларида кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузаси ёрдамчи мисол бўла олади. Ўртаб-шимиз концепцияда тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатларини кучайтириш масаласига алоҳида тўхталиб, юқорида тилга олинган қонуннинг янги тахририни тайёрлаш тақдирини илгари сурилади. Демак, тадбиркорларимиз учун янги имтиёзлар берилиб, уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улуши ва ролини ошириш учун етарли шарт-шароитлар яратилди.

Яратилаётган имконият ва имтиёзлардан тўғри фойдаланган ҳолда ўз бизнесини ҳалол ва қонуний юритаётган тадбиркорларимиз сафининг тобора кенгайиб бораётгани кишини қувонтиради. Бундай ҳолатни аҳоли саломатлигини муҳофаза қилувчи тиббиёт соҳаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Юрти-мизда эл соғлигини таъминлаш йўлида тиббиёт ва дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш ва савдосини йўлга қўйиш юзасидан кенг қўлмали тадбирлар амалга ошириляпти. Шаҳар ва қишлоқларда халқроқ андозалар даражасидаги сифатли дори-дармонлар билан аҳоли эҳтиёжини таъминлашнинг қўлбал замонавий дорихоналар барпо этилмоқда. Бундай хайрли ишларни ҳар қанча қўтласак арзийди.

Афсуски, улар орасида бун-

дай шарафли касб-корга яраш-майди. Ҳамма киши билан шу-ғулланиб, ўз номига доғ туши-раётганлар ҳам учраб турибди. Ўз шахсий манфаатини устун қўйиб, фуқароларнинг соғлиги-га зарар етказётган, ноқонуний равишда сифатсиз, инсон ҳаёти ва соғлигининг хавфсизлиги таълабларига жавоб бермайдиган дори-дармонлар ишлаб чиқара-ётган, дори-дармонларни четдан хуфиёна олиб кираётган ва со-таётган бундай шахсларнинг қилмишларидан эса, асло кўз юмиб бўлмайди.

Уларнинг қилмишларини фош қилиш йўлида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-си ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий да-ромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти органлари томонидан муайян ишлар амал оширилмоқда.

Чунончи, Қўқон шаҳрида яшовчи фуқаро Махсуда Тош-пўлатованинг сифатсиз ва хавф-сизлик талабларига жавоб бе-рмайдиган дори-дармон восита-лари савдоси билан доимий ра-вишда шуғулланиб келаётгани аниқланди. Унинг уйдан чет давлатларда ишлаб чиқарилган, сифат сертификатига эга бўлма-ган, хавфсизлик қоидаларига жавоб бермайдиган 84 миллион сўмликдан зиёд дори-дармонлар топилди.

М.Тошпўлатованинг ҳамша-ҳарлари Сабоҳон Шарипова ва Раъшан Хайдаровлар ҳам до-имий равишда дори-дармон вос-италарини сотиш билан шу-ғулланиб келгандиклари фош қилинди. Р.Хайдаровнинг уйи-дан чет давлатларда тайёрлан-ган, сифат сертификатисиз 29 миллион 914 минг сўмлик дори-дармонлар топилди.

Шўрчи туманида яшовчи Га-вҳар Шерматовга эса ўзбошим-чалли қимматга тушди. "Деҳқон бозори"да қонунга хилоф равиш-

да дорихона очиб, савдонинг авж олдириб бу "тадбиркор"нинг до-рихонасидан 11,1 миллион сўмлик дори воситалари олиб қўйилди.

Асақали Носиржон Арапов ҳам эски дорифурушлардан экан. "Қаштан" номли фирмага рах-бар бўлиб, дорихона очган Н.Арапов, сифатсиз, кири-м ҳужжатлари бўлмаган 10 мил-лион сўмликдан зиёд дори вос-италарини сотиш билан шу-ғулланиб. Бу каби мисолларни кўпала келтириш мумкин.

Албатта, бу каби дорифу-рушларнинг тегиригига ким-лар сув қуймоқда ва дори-дар-монлар билан таъминламоқда, деган табиий савол кишини ўйлантиради. Бу саволнинг жа-воби биргина қуйидаги мисол-да ўз ақлини топти.

Қўқонлик Муҳаммад Жўра-ев ва Ф.Султоновларни ягона мақсад, у ҳам бўлса, дори биз-неси биллаштириш. Улар Тожи-кистон Республикасида яшов-чи номаълум фуқаролардан си-фат сертификатига эга бўлма-ган дори-дармон воситаларини сотиб олиб, давлат чегаралари-ни Сирдарё орқали резина қа-йиқда бузиб ўтиб, юртимизга олиб келганди. Айбдорлар суд-нинг одилона қарори билан те-гишли жазага тортилди.

Инсон ақл-заковати қўп на-рсаларни ҳал қилади. Бироқ ақли ишхилик эмас, балки ёмонликка ишлатилганлар ҳам учраб туриб-ди. Юқоридаги каби сифатсиз, са-ломатликка фойда эмас, зиён кел-тирадиган дориларни сотиш ор-қали ноқонуний даромад топув-чилар қилмишларини бир ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди. Улар со-ган маҳсулотлар беморларга мал-ҳам бўлмай, ақсинча, соғлиғига хавф солиши мумкин-ку. Қола-верса, бундай дори-дармонларни уларнинг яқинлари, таниш-би-лишлари ҳам истеъмол қилишлар-и эҳтимолдан холи эмас.

Косон туман ҳокимлигининг мажлислар залида "Тадбиркор-лик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш бўйича қонунчилик соҳасида амалга оширилган ишлар ва келгусида-ги вазифалар" мавзусида мувофиқлаштирувчи кенгаш йиги-лиши бўлиб ўтди.

Иқтисодиёт таянчи

Отабек БОБОДУСТОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
Норбўта ҲОЗИЕВ, "Нуқуқ"

Унда Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК вилот бошқармаси, вилот Давлат солиқ бошқармаси, вилот Марказий банки, Монополиядан чиқариш ва тадбиркор-ликни қўллаб-қувватлаш ва статистика бошқармаси, савдо-сано-ат палатаси бошқармаси, туман ҳокими ва унинг ўринбосарлари, туман прокурори, туман ИИБ ва ДСИ бошқармалари, уларнинг ўрин-босарлари, жиноят ишлари бўйича судининг раиси ва суд ижрочи-лари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг раислари, барча назорат органлари раҳбарлари, банклар, саноят ва қишлоқ ҳўжали-гига мутасадди идоралар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва фермер ҳўжаликлари раислари иштирок этишди.

Кенгаш йиғилишини вилот прокурори Х.Турдибоев кириш сўзи билан очди ва бошқариб борди. У ўз сўзида тадбиркорликни ривожлантириш ҳамма вақт жамият равақли, аҳоли фаровонли-гини таъминлаш ҳамда барқарор иқтисодиётни яратиш учун хиз-мат қилиб келгани, шу туфайли ҳам мамлакатимизда эркин та-дбиркорлик фаолиятини қарор топтириш борасидаги ислохотлар бос-қичма-босқич амалга оширилаётгани, сўнгги йилларда мамлака-тимизда тадбиркорлик субъектлари ва ҳуусий мулк эгаларининг ҳўқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишга қаратил-ган ҳўқуқий асослар яратилиб, уларнинг эркин фаолият юритиш-лари учун кенг имкониятлар юзата келтирилгани ҳақида тўхталди.

Шунингдек, у тадбиркорлик ва ишбилармонлик азалдан мам-лакат иқтисодий салохияти даражасини белгилайдиган омил, бош-қача айтганда, иқтисодиёт таянчи, тараққиёт пойдевори, халқ фа-ровонлигининг кафолати бўлиб келгани, Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг битта оқил ва тадбиркор инсон минг-минглаб доқайд, бепарво ва тадбирсиз одамлардан афзалроқдир, деган маз-мундаги сўзлари бежиз айтилмаганини тўғрисида гапириб, тадбир-корларнинг ишига тўсиқ бўлаётган ва иш юритишга халақит бе-раётган мансабдор шахслар ёки назорат органлари ходимларининг қилмишлари ҳақида ҳозир рўйроқ айтишлари ёҳуд вилот про-куратурасининг ишонч телефонлари (221-07-82, 221-01-56)га қўнғироқ қилишлари мумкинлиги ҳақида гапирди.

Шунингдек, тадбирда вилот Марказий банки бошқаруви раи-сининг биринчи ўринбосари Р.Аминов, Косон тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ф.Умаров ва вилот Давлат солиқ бошқар-маси бошлиғи Х.Жўраевлар ҳам сўзга чиқишиб, ҳўқуққа этил-ган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди-лар ҳамда анжуман иштирокчиларининг саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.

Тадбиркорларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш, уларга юридик ёрдам кўрсатиш, прокуратура органларининг мўҳим вазифалари-дан биридир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мулк-дорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоя-лаш, бутунги кунда энг катта аҳамиятга эга бўлган вазифалардан биридир. Чунки миллатнинг келажаги, юртининг ободлиги, иш-билармонлар ва тадбиркорларга ҳар жиҳатдан боғлиқ эканлигини бутун даврнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Қарздорлик бартараф этилди

Нодиржон ДЖАЛОЛОВ,
Фаргона шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

Ўзаро узвий боғлиқ бўлган тадбир-корликни қўллаб-қувватлаш, меҳ-нат ва бандлик, тўлов интизоми борасидаги қонун ва қонуности ҳўжжатла-рининг ижроси мунтазам равишда таҳлил этиб боришмоқда. Катта-кичик корхоналар-ни ташкил этган тадбиркорлар янги иш ўринларини тақлиф этиб, битирувчи ишларни, вақтинча ишсиз фуқароларни ишга олиштириш. Аксарият корхоналарда ой-лик маошлар ўз вақтида тўланмоқда.

Бироқ, тўлов интизомига риоя қилин-маган, бу борадаги қонун ва қонуности ҳўжжатларининг талаблари бузилган, де-битор ва кредитор қарздорликни бартараф этиш чоралари қўрилмай, ишчи-ҳодим-ларга иш ҳақлари тўланмаган ҳолатлар ҳам аниқланмоқда. Чунончи, вилот иссиқлик манбаи корхонасининг мутасаддилари қарзларни ундириш чораларини қўришма-гани етмаганидек, ҳисоб рақамиди маблаг еттишмаслигини рўқаб қилиб, ҳодимларга ишчи-уч ой мобайлида иш ҳақларини тўлашмаган. Шаҳар прокуратурасининг фуқаролик судига киритган даъво ариза-лари қаноатлантирилиб, корхона ҳо-димларига маошлари тўлиқ ундириб берилди.

Шаҳардаги "Қалхила пойфазан" МЧЖнинг тасисчи ва иш бошқарувчи-лари ҳам ўз хизмат бурчларига панжа ораси-дан қараганликлари туфайли муллати ўтган 123,7 млн. сўмлик дебитор, 188,7 млн сўмлик кредитор қарздорлик вуждага кел-ган. Оқибатда, ишчи-ҳодимларга июль, август ва сентябрь ойлари учун жами 51 млн. сўмлик иш ҳақлари тўланмаган.

"Сувоқав" ОАЖда эса корхона ва таш-килотлар, аҳолига етказиб берилган ичим-лик суви, қўрсатилган хизматлар учун му-ддати ўтган салкам 1,5 млрд. сўмлик дебитор қарзларни ундириш чоралари қўрилмай,

ишчи-ҳодимларга 163 млн. сўмлик иш ҳақларининг тўлови муаллақ қолган.

Амалдаги қонунларга биноан, иш бе-рувчи молиявий аҳволидан қатъи назар иш ҳақларини ойдада камида икки марта тўлаб бориши шарт бўлиб, зиммасида-ги мажбуриятини бажармаган масъул шахсларни жиноий жавобгарликка тор-тишгача бўлган ҳазо чораларини қўллаш қўзда тутилган. Бир неча ойлаб ҳо-димларга маош тўланмаган "Қалхила пойф-азан" МЧЖ, "Сувоқав" ОАЖ, "Гидроизо-ляция материаллари" корхонаси, Усим-ликларни ҳимоя қилиш марказининг мансабдорлариға нисбатан жиноят иш-лари қўзғатилиб, ҳазонинг муқаррарли-ги таъминланди. Шунингдек, ҳо-димларга иш ҳақлари тўловини орта сурган "Ма-гистрал электр тармоқлари", "МК-4", вилот электр тармоқлари каби 8 та кор-хонанинг мутасаддилари ҳам маъмурий жавобгарликка тортилди. Ишчи-ҳо-димларнинг манфаатларини қўллаб, фуқаро-лик судларига киритилган 152 та даъво аризалари қаноатлантирилиб, 72 млн. сўмлик иш ҳақлари ундириб берилди.

Таҳлилларда аён бўлишича, ҳисоб ра-қамларида маблаглар етарли айрим кор-хоналар ҳам иш ҳақларини ўз вақтида тўлашмаган. Бунинг боиси, банкларнинг филиаллари томонидан иш ҳақи тўло-валари нақд пул билан таъминланмаган. Иш ҳақи тўловларини нақд пул билан таъмин-лаш чораларини кўрмган банкларнинг масъул ҳо-димлари маъмурий жавобгарлик-ка тортилди.

Ҳўқуқлари тикланди

Э.АХМЕДЖОНОВ,

Учкудук туман прокурорининг ўринбосари

Хусусан, фуқаро А.Жусипбекованинг Учкудук туман молия бўлими томони-дан касалик вақраҳи бўйича нафақа пулларини тўлаб берилмаётганини тўғрисидаги аризаси ўрганилди. Туман молия бўлими бош ҳисобчиси К.Ер-меқбаев Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 5 февралдаги буйруғи билан тасдиқланган "Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладор-лик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳўжжатларида назарда ту-тилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола тутилганда бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича қаражатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларини бузиб, аризачининг 2010 йил 29 январдаги меҳнатта лаёқатсиз-лик вақраҳига асосан ҳомиладорлик ва туғиш бўйича тўловини лозим бўлган 1 817 243 сўмлик нафақа тўловларини тўлаб бериш ҳақидаги буюртмаомани вилот бош-қармасига 8 ойга кечиктириб тақдим этганлиги аниқланди. Натижада А.Жусипбеко-ванинг нафақа пуллари тўлаб берилмаган.

Аризани ўрганиш давомида А.Жусипбековга ҳомиладорлик ва туғруқ таътили учун бериладиган нафақа пуллари тўлиқ тўланиб, унинг ҳўқуқлари тикланди.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан фуқаро Ш.Ҳасановнинг ДТ "Халқ бан-ки" Зарафшон шаҳар бўлимига қарашли Учкудук минибанки томонидан жамғариб боришган пенсия тўловларининг тўлаб берилмаётганини ҳақида ёзган аризаси ҳам кўриб чиқилиб, натижасига кўра унинг ҳўқуқлари тикланди. Яъни, 211 955,60 сўм миқдордаги пенсия тўловлари тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Юқоридаги қонунбузилишларга йўл қўйган туман молия бўлими ва банк мансаб-дор шахсларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳўжжатлари қўлланилди.

Ишловчи ногироннинг нафақаси

Мен ҳозир 52 ёшдаман. Корхонада ишлайман. Олдин 2-гурӯх ногирони эдим. 2009 йилнинг март ойидан мени 3-гурӯх ногиронлигига ўтказишди. 2-гурӯх ногиронлиги пайтида 228 000 сўм миқдорда нафақа пули олар эдим. 3-гурӯх ногиронлигига ўтказилганимдан кейин нафақа пулини 56000 сўм миқдорда олаётиман. Ушбу нафақа пули менга тўғри тўланаётими?

Тоҳиржон Юлдашев

Ишловчи пенсионер сифатида ногиронлик гуруҳининг ўзгариши билан нафақа пулининг миқдори ҳам ўзгариши табиийдир. Чунки, ногиронлик гуруҳининг ўзгариши билан нафақа миқдори ҳам "Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисида" - ги Тартибга мувофиқ тарзда ўзгаради. Мазкур Тартибга кўра:

- Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари (уларга тенглаштирилган шахслар)га, Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортида ишлаган ёки ҳарбий мажбуриятларни бажарган шахсларга, I-II гуруҳ ногиронларига, шунингдек, Чернобыль фалокатидан жабрланган шахсларга нафақа юз фоиз миқдорда тўланади.

- қолган барча пенсионерларга тайинланган пенсиянинг эллик фоизи миқдорда тўланади.

Мактабгами ёки ишга?

Мен ўтган йили фирма ташкил қилган эдим. Бир танишимнинг онасида модалар қийинчилик юзига келганлиги учун 17 ёшли ўғлини ишга олишни сўраб қўймапти. Таниш бўлганим учун бироз ноқулай бўлиб турибди. Шунга маслаҳат берсаларингиз.

17 ёшли болани ишга қабул қилиш ноқонуний бўлмайми?

Агар мумкин бўлса, қайси қонунга амал қилиш лозим?

Алишер Сувонов

Меҳнат кодексда ишга қабул қилиш мумкин ёш белгиланган бўлиб, унга кўра, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Хусусан, кодекснинг 77-моддасида, ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юрталарининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғи ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун - улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади, дейилади.

Бундан ташқари, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилишда уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шaroити, ноқулай ишлар ҳусусияти албатта ҳисобга олиномоғи шарт. Қолаверса, уларнинг меҳнатидан ер ости ишларида ва бошқа шу каби ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Агар корхонадаги иш шaroити юк кўтариш билан боғлиқ бўлса, бу борадаги нормани билиб олганингиз маъқул.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишлари йўл қўйилмайди. Агар 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларнинг иш вақтининг учдан бир қисми юкларни кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси қуйидагича бўлиши лозим:

Кўтариш ва ташиш турлари	Юк нормасининг чегараси	
	ўғил болалар учун	кизлар учун
Қўлда	13 кг гача	7 кг гача
Бир гилдиракли аравада	39 кг гача	кизларга рўхсат этилмайди
Икки гилдиракли аравада	47 кг гача	кизларга рўхсат этилмайди
Уч ва тўрт гилдиракли аравада	67 кг гача	52 кг гача
Вагонеткаларда	405 кг гача	224 кг гача

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 4,1 кг дан оғир бўлмаслиги, шунингдек, улар аравада ва вагонетка ёрдамида юк ташишлари ҳамда жалб этилмаслиги лозим.

Ўн олти ёшгача бўлган воёга етмаганлар иш вақтининг учдан бир қисми юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, қўлда юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси: ўғил болалар учун - 6,5 кг, киз болалар учун - 3,5 кг дан оғир бўлмаслиги лозим.

Ўн олти ёшгача бўлган воёга етмаганларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 2 кг дан оғир бўлмаслиги лозим.

Ўн олти ёшгача бўлган воёга етмаганларга аравада ва вагонетка ёрдамида юк ташишлари рўхсат этилмайди.

ҲУРАМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни "Huquq" газетасининг info@huquq-gazeta.uz электрон почтаси орқали юборишингиз ёки (8-371) 233-26-62 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Ярим кунлик иш

Мен бир ташкилотда етакчи мутахассис лавозимида ишлайман. Бу ерга ишга кирганимга ҳали бир йил тўлгани йўқ. Аввалги иш жойимда катта байрамлар олдидан мукофот берилар ва байрамдан бир кун олдин ярим кун ишлар эдик, холос. Бундай тартиб ҳамма жойда бир ҳилми ёки ташкилотга қараб фарқланайми? Байрам кун ишга чақиртириш қонунийми?

Рустам Қўлдошев

Байрам арафасидаги иш кунлари қонун бўйича қисқаради, лекин сиз айтганингиздек ярим кунга эмас. Амалдаги Меҳнат кодексининг 121-моддаси талабига кўра, байрам кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади. Мазкур тартиб мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатларига нисбатан татбиқ этилади.

Навбатдаги саволингизга келадиган бўлсак, Меҳнат кодексининг талабига мувофиқ, байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлаш ман этилади. Лекин, иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жа-

моа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, - иш берувчи томонидан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Ишлаб чиқариш-техника шaroитлари ва бошқа шaroитларга (узлуксиз ишлайдиган корхоналар, объектларни қўриқлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш кабиларга) кўра, ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, аҳолига хизмат кўрсатиш зарураги бўлган ишларда, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиштириш ишларида байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлаганга йўл қўйилади. Бироқ, ходимларни улар дам оладиган кунлари ишга жалб этишда Меҳнат кодексининг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида белгиланган чек-

лашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдоридан ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, - иш берувчи томонидан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунидagi иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш кунини (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан, иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунидagi иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш кунини берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

Фарзандликка олиш учун

Фарзанди йўқ шахс бирон-бир болани боқиб олмоқчи бўлса, бунинг учун кимга мурожаат этиш керак? Бола боқиб олувчига қандай талаблар қўйилади?

Шоҳида Сатторовва

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризасига ҳамда васийлик ва ҳоийлик органларининг тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

Фарзандликка олишни хоҳловчи шахс яшаш жойидаги халқ таълими бўлимига мурожаат этиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 152-моддасига мувофиқ, воёга етган эрак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин, қуйидаги шахслар бундан мустасно:

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

асаб касалликлари ёки нарколегия муассасаларида рўйхатда турувчилар;

фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;

қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Менга имтиёз борми?

Мен 1955 йилда тутилганман. Маълумотим ўрта-махсус. 1974 йили Хива шаҳар тиббиёт билим юртининг сан-фельшер факультетини тамомлаб, Шовот туман санитария профилактика бўлини-масига лезинструктор бўлиб ишга кирганман. 1981 йилдан туман санитария эпидемиология марказида паразитолог врач ёрдамчиси лавозимида ишлаб келмоқдаман. 2010 йилнинг 10 июлида 55 ёшга тўлдим. Шунинг учун тиббиёт ходимларига берилган имтиёздан фойдаланиб, эллик беш ёшдан пенсияга чиқиш учун туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этсам, улар сизнинг уч йиллик ойлик маошингиз етмайди дейишди. Ахир мен ўттиз олти йилдан ортиқ вақт ишлаган бўлсам, менга имтиёз берилмайми?

Озод Бобожионов

"Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида" ги Қонуннинг 12-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ, охириги йил жойидан қатъи назар, шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар-махсус иш стажини қишлоқ жойда камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда умумий белгиланган ёш 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўли-дилар. Бинобарин, сизнинг иш стажингиз мазкур талаб-га мос келар экан, имтиёз-

дан тўла фойдаланишингиз мумкин.

Меҳнат дафтарчаси, шунингдек, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан бе-рилган суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи маълумотномалар иш стажини тасдиқловчи асосий ҳуж-жатлар ҳисобланади.

Меҳнат дафтарчасида ходимларнинг айрим тоифа-лари учун белгиланган им-тиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини белгилловчи омиллар тўғрисида тўлиқ

маълумотлар бўлмаган ҳол-ларда, махсус стажни тас-диқлаш учун корхоналар ёки ташкилотларнинг аниқ-лаштирувчи маълумотнома-лари қабул қилинади.

Агар меҳнат стажини аниқлаштириш учун қўшим-ча ҳужжат талаб қилинса, бу ҳолат Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-қарори билан тасдиқланган "Пенсия та-йинлаш учун меҳнат стажи-ни тасдиқлаш тартиби тўғри-сида" ги Низом асосида ҳал этилади.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб берди

Протест

қаноатлантирилди

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдорлар ва жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Мазкур ҳуқуқий нормада судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга шахслар сифатида ҳар қандай фуқаро, шунингдек, ўз вакили орқали судга мурожаат қилувчи корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа юридик шахслар назарда тутилган.

Шунингдек, ҳар қандай манфаатдор шахс ҳуқуқ ёки қонуний манфаати бузилганлиги тўғрисидаги фактни исботлай олиш ёки олмаслигидан қатъи назар, судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Шу маънода, фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилувчи фуқаро С.Қурбонованинг тутган йўлини ҳам тушуниш мумкин. Даъвогар ўз аризасида жавобгар турмуш ўртоғи Ж.Шаймардонов жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2007 йил 7 декабрдаги ҳукми билан, ЖКнинг 25-273-моддаси 5-қисми ва 28, 246-моддаси 2-қисмлари билан айбли деб топилиб, 16 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилган ва унинг бошқарувидаги, Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи М.Зияеванинг номига расмийлаштирилган "Нексия" русумли автомашина жиноят қуроли деб топилиб, давлат фойдасига мусодара қилинганлигини, аслида эса автомашина эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулк эканлигини баён қилиб, автомашинадан ўзига тегишли улушни рўйхатдан чиқариб, турмуш ўртоғининг улушини ҳам имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи таъминланишини сўраган.

Суднинг 2008 йил 24 мартдаги ҳал қилув қарори билан С.Қурбоновнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, жавобгар Ж.Шаймардоновнинг жиноят иши бўйича рўйхатга олинган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган "Нексия" русумли автомашинани мусодара қилишдан тушган маблағнинг 50 фоиз қиймати рўйхатдан чиқарилиб, ушбу сумма Қарши шаҳар молия бўлими орқали Ўзбекистон Республикаси бюджетидан С.Қурбоновнинг фойдасига ундириш белгиланган.

Бир томондан олганда, ҳамма иш рисоладегидек кўринадиган. Даъвогар судга мурожаат қилди ва унинг даъвоси маълум даражада қаноатлантирилди. Аммо масаланинг иккинчи жиҳати ҳам борки, бунда суд даъво аризасини кўриб чиқишда айрим жиҳатларни инобатга олмаган.

Аввало, суд ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар томонлама ҳолисона аниқлаш чораларини кўрмасдан, ФКнинг 15 ва 57-моддалари талабларини тўлиқ бажармаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1993 йил 16 апрелдаги "Судлар томонидан мулкни рўйхат (арест)дан чиқариш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида"ги 13-сонли қарорининг 9-банди талабига кўра, қайд этилган ишлар бўйича даъво аризасида мулкни рўйхатга олиш тўғрисидаги далолатноманинг, ҳукмининг ҳал қилув қарорининг бажарилишини таъминлаш

мақсадида рўйхатга олинган бошқа қарорнинг нусхаси ва даъво талабларини тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳадя, олиш-сотиш шартномалари, васиятнома, чеклар, шахсий ҳисоб ва бошқалар) илова қилинган бўлиши лозим деб кўрсатилган.

ФКнинг 134-моддасида бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) унчи шахслар олдидан вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.

Суд ишни кўришда ушбу қонун нормаларига амал қилмаган, яъни "Нексия" русумли автомашина даъвогар С.Қурбонова билан жавобгар Ж.Шаймардоновнинг никоҳлари давомида орттирилган биргаликдаги умумий мулкларига эмас, балки 2006 йил 4 апрелда Тошкент шаҳар Сергели ТРНБ томонидан транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан М.Зияевага ҳусусий мулк сифатида тегишли эканлигига, М.Зияева томонидан ушбу автомашинани бошқариш ва сотиш ҳуқуқи билан 2007 йил 29 январда Ж.Шаймардановга берилган ишончнома эса автомашинага нисбатан мулкка эгаллик ҳуқуқини вужудга келтирувчи ҳужжат эмаслигига, бундай ҳолатда даъвогар С.Қурбонова "Нексия" русумли автомашинани рўйхат (арест)дан чиқариш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш ваколатига эга бўлмаганлигига етарлича ҳуқуқий баҳо бермаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги "Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 2-сонли қарорининг 6-бандига мувофиқ, контрабанда ашёлари (курол-яроғ, гиёҳвандлик воситалари ва бошқалар), шунингдек, ҳусусий мулк ҳуқуқи бўйича айбдорга тегишли бўлган контрабанда ашёларини ташиш воситалари ҳам жиноят қуроли сифатида мусодара қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизмати ва давлат божхона кўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини олиб келинишни тартибга солиш тўғрисида"ги 3159-сонли Фармониغا қўшимча киритиш тўғрисидаги 2002 йил 6 ноябрдаги Фармони аниқ бажарилишини таъминлаш мақсадида суриштирув ва тергов органлари ҳамда судлар учун қўшма кўрсатма қабул қилинган.

Ушбу кўрсатманинг 7-хатбошида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларида фойдаланилганлиги учун давлат эгалигига ўтказилган транспорт воситалари жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга тегишли бўлмаган тақдирда (юридик шахсларга тегишли ёки ишончномалар орқали бошқарилган воситалар), уларнинг қиймати қоплаш масаласи фуқаролик тартибда даъво қўзғатиш йўли билан ҳал этилади. Бунда транспорт воситаси эгасининг мулкий даъвоси фақатгина божхона қоидасини бузган шахсларга қаратилиши мумкинлигини тушунириш белгиланган.

Аммо суд томонидан раҳбарий кўрсатма талабларига риоя қилинмаган.

Яъни, суднинг ҳукмига кўра, 100 дона целлофан ўрамлардаги 195 кг, "опий" гиёҳвандлик во-

Ботир НОРОВ,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

ситасини қонунга ҳилоф равишда сотиш жиноятининг қуроли деб топилган ва давлат фойдасига мусодара қилинган "Нексия" автомашинасини сотишдан тушган маблағнинг 50 фоиз қиймати рўйхатдан чиқаришда мулкий даъво фақат жиноят содир этган Ж.Шаймардоновга қаратилиши мумкин бўлса-да, фуқаролик суди мулкий даъвоини ундиришни Республика бюджетига қаратиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган. Бу билан эса, моддий ва процессуал қонунчилик нормаларини қўлланишда ҳатоликка йўл қўйилган. Шунингдек, ФКнинг 312-моддаси 1, 2, 3 ва 4-бандларида суд томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, суд қарорига баён қилинган ҳулосалар иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги, процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги суд қарорини бекор қилиш учун асос бўлишлиги кўрсатилган бўлиб, суд томонидан ушбу талаблар ҳам тўлиқ бажарилмаган.

Айнан шундай ҳолатни даъвогар О.Эшонкулованинг даъво аризаси билан боғлиқ ишда ҳам қўзғатиш мумкин. Бу сафар ҳам айнан Қарши туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат этилган бўлиб, О.Эшонкулова жавобгар бўлиши турмуш ўртоғи Ч.Эшонкулов билан бирга яшаган даврда "Камаз-53212" русумли юк автомашинани сотиб олганликларини, эри жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2007 йил 7 декабрдаги ҳукми билан, ЖКнинг 25-273 моддаси 5-қисми билан айбли деб топилиб, 15 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилганлигини, Ч.Эшонкуловнинг бошқарувидаги "Камаз-53212" автомашинаси жиноят қуроли дея топилиб, давлат фойдасига мусодара қилинганлиги, аслида машина эр-хотиннинг умумий мулк эканлигини баён қилиб, автомашинадан ўзига тегишли бўлган улушни чиқаришни ҳамда турмуш ўртоғининг улушини ҳам имтиёзли сотиб олишни сўраган.

Буни қараганда, суд ўзининг 2008 йил 24 мартдаги ҳал қилув қарори билан О.Эшонкулованинг даъво аризасини қисман қаноатлантириб, жавобгар Ч.Эшонкуловнинг жиноят иши бўйича рўйхатга олинган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган "Камаз-53212" русумли автомашинани мусодара қилишдан тушган маблағнинг 50 фоиз қиймати рўйхатдан чиқарилиб, ушбу сумма Қарши шаҳар молия бўлими орқали Ўзбекистон Республикаси бюджетидан О.Эшонкулованинг фойдасига ундириши белгиланган.

Суд ушбу ҳолатда ҳам юқорида кўрсатилгандек, қатор қонунчилик нормаларини нотўғри қўллаб, ҳатоликка йўл қўйган. Чунончи, ишни кўришда Олий суд Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилмай, "Камаз-53212" автомашинаси жавобгар Ч.Эшонкуловга тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиб олмаган ва фуқаролик ишига қўшмаган.

Қашқадарё вилоят прокуратурининг таҳдидномасига асосан Бош прокуратура томонидан мазкур фуқаролик ишларига назорат тартибда протест киритилди. Протест Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

Келажак
учун сармоя

Жаҳонгир ПАНАЕВ,
Янгиарик туман ҳокимлиги ҳузуридаги
Вояга етмаганлар ишлари бўйича
комиссия масъул котиби

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кўнларинан ёш авлод таълим-тарбияси, уларни муносиб келажак ворислари қилиб тарбиялаш борасида кенг қўламада ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жорий йил Президентимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниб, махсус давлат дастури ижроси таъминланиб келинаётгани ана шундай эътиборнинг ёрқин намунаси бўлган.

Янгиарик туманида ҳам вояга етмаганларнинг ихтимойий ҳимояси, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Аҳолисининг қирқ фоизга яқинини вояга етмаганлар ташкил этидиган туманимизда 6 та касб-ҳунар таълим даргоҳи, 40 та мактаб ҳамда 25 та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш бўйича туман ҳокимиятининг тегишли қарори қабул қилиниб, шу асосда махсус комиссия фаолият олиб бормоқда. Ихтимойий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозоридан тенг шaroитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш, шунингдек, туман ҳокимлиги, прокуратураси ҳамда бандликка кўмаклашувчи марказ билан ҳамкорликда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 5 маротаба меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Бўш иш ўринларига 378 нафар коллеж битирувчилари ишга жойлаштирилди.

Шунингдек, туман ҳокимлигида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳ тuzилиб, марказ ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари билан бўш иш ўринлари мавжуд бўлган ва янги иш ўринлари ташкил этилган корхона-ташкilotлар раҳбарлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи маълумотлар базаси яратилди. Янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан бу йил 3161 та иш ўринлари яратиш белгиланган. Ўтган даврда режа 102,3 фоизга уудаланди.

Ешларни билимли, етук қилиб тарбиялаш, иқтидорларини намоён этишлари учун кенг имконият яратиб бериш мақсадида дарсларга қатнашишига, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга, турли тўғарақларга ҳамда спорт машғулотларига жалб қилишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борада ҳуқуқ ва ўлаштиришда муаммолар мавжуд бўлган болалар билан таълим-тарбия ишлари ўтказилиши алоҳида назоратга олинган. Ўқувчилар ўртада психологик тестлар, сўров ва сўхбатлар ўтказилиб, ҳар бирининг қизиқиш ҳамда лаёқатига кўра касб-ҳунарга йўналтириш хоналари, 35 та психологик хизмат хонаси ва 20 та тиббий хизмат хоналари талаб даражасида жиҳозланди.

Тумандаги касб-ҳунар муассасаларида шартнома асосида ташкил этилган тайёрлов йўналишлари ҳақидаги ахборотлар барча мактабларга етказилган. Бундан ташқари, умумтаълим мактаблари билан касб-ҳунар коллежлари ўртасида ҳамкорликда очик эшиклар кўни тadbирлари ўтказилиб, таълим даргоҳларида ўқиш ва ҳунар ўрганиш учун яратилган шарт-шaroит, моддий-техника базаси намоиш этиб келинмоқда. Бу умумтаълим мактаби битирувчиларининг эркин касб танлашлари учун катта қўлайлик яратмоқда.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича туман комиссияси томонидан вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва қаровсизликнинг олдини олиш, уларни гиёҳвандлик, алоқсизлик ҳамда бошқа зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш борасида таълим муассасаларида доимий равишда тарғибот тadbирлари ўтказиб келинмоқда. Бу каби профилактика ва тарғибот тadbирлари самараси сифатида туманимизда жорий йилнинг ўтган даврида вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилмади. Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари қузатилмади.

Туманимизда Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни ижроси юзасидан назорат фаолияти амалга оширилмоқда. Асосий эътибор вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликларга ёки бошқа гайриихтимойий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шaroитларни аниқлаш, бартараф этиш масалаларига қаратилган.



Ёшлар миллат ва юрт келажаги

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Шунингдек, Нукус шаҳар прокуратураси томонидан Нукус шаҳри Қорақалпоғистон кўчаси 6-уйда яшовчи фуқаро С. спиртли ичимликлар ичишга ружу қўйиб, оналик вазифасини бажармаганлиги боис, уни 1997 йилда туғилган воёга етмаган фарзанди С.га бўлган оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида Нукус туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво ариза киритилиб, тўлиқ қаноатлантирилди. Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин.

Хозирги кунда прокуратура органлари томонидан асосий эътибор ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва кўп фарзандли оилаларнинг болаларига ўз вақтида ёрдам берилишига қаратилиб, болаларнинг соғлиги ва маънавий камол топишига зарар етказадиган, зўравонлик, гийҳвандлик, беҳаё турмуш тарзини тарғиб қиладиган маълумотларни тарқатишнинг олдини олиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг та-

шаббуси билан Хўжайли туманида жойлашган 180 нафар тарбияланувчи болаларга мўлжалланган замонавий типдаги, барча қулайликларга эга 1-сонли Меҳрибонлик уйи, Нукус шаҳрида жойлашган 108 та тарбияланувчига мўлжалланган замонавий санатория типдаги 6-сонли "Булбул" мактабгача таълим бериш муассасаси, Беруний туманида жойлашган 140 та тарбияланувчи болаларга мўлжалланган, барча қулайликларга эга 18-сонли мактабгача таълим бериш муассасаси ва Тўртқўл туманида жойлашган замонавий типдаги, барча қулайликларга эга болалар ижодиёт маркази таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, жорий "Баркамол авлод йили"да Мўйноқ туманида жойлашган 140 нафар тарбияланувчига мўлжалланган, замонавий санатория типдаги 4-сонли ҳамда Чимбой туманида жойлашган 140 нафар тарбияланувчига мўлжалланган, барча қулайликларга эга 8-сонли мактабгача таълим бериш муассасалари қайта таъмирланди. Шунинг билан бирга, Хўжайли туманида жойлашган Республика 1-сонли Меҳрибонлик уйининг битирувчилари Қ.Наурўзбаев,

Зулпикар ЕРЕЖЕПОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурорининг ёрдамчиси

Д.Жузбаев, Н.Ўринбаеваларнинг Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат Университетида ўқишга кириб, талаба бўлганликлари, ушбу Меҳрибонлик уйининг яна 9 нафар битирувчиси эса Нукус шаҳридаги 22-кичи туманда жойлашган тураржойлар билан таъминланиши ва касб-ҳунар билим юртлари битирувчиларининг ўзлари эгаллаган соҳалар бўйича бўш ва янгидан очилган иш ўринларига жойлаштирилиши ҳам эътиборга моликдир.

Мамлакатимизда воёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, етук ва комил ёшларни тарбиялаш ҳар биримизнинг нафақат ота-оналик, балки энг аввало, фуқаролик ва инсонийлик бурчимиз саналмоғи даркор. Ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, ўз ҳуқуқ ва бурчларини теран англайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш ҳаммаимизнинг бosh вазифамиз бўлиб қолаверади.

«Энди менинг компьютерим бор»

дейди Избоскан туманида бўлиб ўтган «Меҳрим сенга, болажон!» тадбирида қатнашган Гулсанам Абдумаликова.

Ойбек КАРИМОВ,
Андижон вилоят прокурорининг ёрдамчиси

Тадбир аввалида туман ҳудудидаги уйда ўқитиладиган но-гирон фарзандлари бор оилаларнинг бештасига моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳомийлар томонидан қорамол берилди. 46-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Б.Абдуманнопов, 3-мактабнинг 5-синф ўқувчиси М.Ортиқова, 14-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Ҳ.Абдуманнопов, 35-мактабнинг 8-синф ўқувчиси А.Рашидов, 10-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Г.Аҳмадалиева, 12-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Г.Йўлдошева, 16-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Г.Йўлдошева, 27-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Ҳ.Хайитов, 15-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Г.Абдумаликова ва 43-мактабнинг 2-синф ўқувчиси М.Миркомилловларга эса компьютер совға қилинди.

— Оилада уч фарзандмиз. "Баркамол авлод

йили"да опам Гулшаной Наманган Давлат университети талабаси бўлди. Гулжаҳон опам эса тиббиёт коллежиди ўқийди. Мен оиламнинг кенжасиман. Расм чизишга қизиқаман. Энди имкониятлардан унумли фойдаланаман, — деди Гулсанам Абдумаликова.

Пойтуғ шаҳридаги "Ёшлар" кафесига туман ҳудудида истикомат қилувчи ногирон болалар ва уларнинг ота-оналари таширф буюришди. Дастурхон атрофида жам бўлган болажонлар Андижон шаҳридаги "Лола" қўғирчоқ театри актёрларининг чиқишларини мароқ билан томоша қилдилар. Тадбир сўнггида болаларга совғалар улашилди.

Муҳим масалалардан бири

Лола ШОМУРАТОВА,
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг марказида энг аввало, ёш авлоднинг ҳам jisмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси турибди.

Маълумки, ҳар қандай ислохотнинг сифати ва самараси кўп жиҳатдан бу борада жамоатчилик фикрининг қай даражада шаклланганига боғлиқ. Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутди.

Ислохотларнинг муваффақияти ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ мақсад ва вазифаларнинг самарали амалга ошиши кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бинобарин, қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорларини фуқароларга етказиш, халқимизнинг иқтисодиёт, сиёсат ва давлат қурилиши соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг моҳиятини теран тушуниб етишларига ҳамда жамиятда қонун нормаларини ҳурмат қилиш ва унга қатъий риоя қилишни таъминлашга эришиш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шарти ҳисобланади.



Оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва жамият ўртасидаги кўприк мақомида фаолият юритиши фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омилларидан бирidir. Президентимизнинг "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорининг 5 банди ҳам республикадаги матбуот ва ахборот агентликлари, телерадиокмпания, оммавий ахборот воситаларига "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш, Дастурда назарда тутилган тадбирларни бажаришга тармок ва маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ва нодавлат тузилмаларининг ҳиссасини мунтазам ёритиб бориш вазифаси юклатилган.

Шу маънода, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасидаги тадбирлар Республикаимиз ОАВда кенг ёритиб келинмоқда. Умуман олганда, оммавий ахборот воситалари томонидан "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил этадиган бўлсак, қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

Юқорида номи зикр этилган Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини кенг тушунтириш, Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг бажарилиши борасида турли чиқишлар қилинмоқда. Расмий матбуот нашрларида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари мунтазам чоп этиб келинаёпти. Шунингдек, мажмур тадбирлар, амалга оширилаётган ишлар юзасидан мутасадди идоралар томонидан ҳам турли тарғибот чиқишлари қилиб келинмоқда.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари ходимлари томонидан ўтган 11 ой давомида ушбу йўналишда 369 тарғибот тадбирлари ўтказилиб, ОАВда 87 марта, шу жумладан, матбуотда 9, радиода 34, телевидениеда 44 марта чиқишлар қилинган.

ОАВ орқали "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ҳамда қораларнинг жойлардаги ижросини кенг ёритиб бориш, жамоатчиликнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамиятини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати

Шухратжон ҲИНОВ,
Музаббот туман прокурори

Конституция инсон манфаатларини ҳимоя қилувчи мустақам таянч бўлиб, у фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишда асосий мезон ҳисобланади. Яъни, Конституция фуқароларнинг Бош ҳимоячиси. Унда инсон улуг мақомга эга. Шу боис Президентимиз "Инсон Она, Ватан деган каломлар каби муқаддасдир. Бу муқаддаслиқни, инсон эркинини дахлсизлигини мустақам қонунларимиз ҳимоя қилиш керак" деган эди. Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар ҳам ана шу эзгу мақсадга йўналирилган. Чунки, Юртбошимизнинг ибораси билан айтганда: "Аслида инсон бахт учун, дунё неъматларидан баҳраманд бўлиш учун туғилади".

Конституцияда давлатимизнинг демократик моҳиятидан келиб чиққан ҳолда инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳуқуқий кафолатлаб қўйилган.

Конституциянинг 43-моддасида "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлайди" деб белгиланган.

2001 йил 29 августда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Рес-

публикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни демократик жараёнларни ўз ичига қамраб олди ва прокурор назорати фаолиятидан фуқароларнинг қонунга риоя этилиши устидан назорат функцияси чиқариб ташлаиб, "қораловчи идора" деган тушунчага барҳам берилди.

Эндиликда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокурорларнинг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонунда фуқароларнинг давлат органларига, жамоат бирлашмаларига мулкчилик шаклидан қатъи назар қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларга муножаат қилиш ҳуқуқини ифода этувчи асосий қоидалар, шунингдек, фуқароларнинг муножаатларини кўриб чиқиш тартиби ва мuddатлари белгиланган.

Ушбу конституциявий ҳуқуқларнинг таъминлиниши ҳам прокуратура органларининг асосий устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Шу маънода, туман прокуратурасида фуқароларнинг ариза, шикоятларини кўриб чиқишда уларнинг манфаатла-

рини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш, жамият ва давлатга етказилган зарарларни қоплаш чораларини кўриш асосий вазифалардан бирига айланган.

Масалан, Фуқаро Н.Умиров ва бошқаларнинг "Эркин Термиз" кўп тармоқли хусусий қурилиш қорхонасида иш ҳақлари ўз вақтида берилмаётганлиги тўғрисидаги аризаси бўйича ўтказилган текширишда аниқланишича, қорхонадаги иқтисодий аҳволнинг оғирлиги сабабли ҳақиқатдан ҳам 2010 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 25 нафар ишчига 7 млн. 73 минг сўм иш ҳақлари ўз вақтида тўланмаган.

Текшириш жараёнида ушбу фуқароларнинг кечиктирилган иш ҳақлари тўлов варақаси орқали тўлиқ тўлаб берилиб, қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишига эришилди.

Иш ҳақларининг ўз вақтида тўлиниши таъминламаган қорхона бошлиғи Э.Холматовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатилиб, ижросини таъминлаш учун туман бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига юборилди.

Банкдан ташқари «айланма»

Жамшид АҲМЕДОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Нақд пул тушумларини банк муассасасига топширмасанг, савдо, умумий оватланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида назорат-касса машиналарини ишлатмасанг, товарсиз пуллари нақлаштириш иқтисодийтиминг ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларданлар.

Пул муомаласини такомиллаштириш, нақд пул маблағларини банк муассасасига жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни қондириш борасидаги қонуний ижроси ҳамда банклар томонидан аҳолини нақд пул билан таъминлаш юзасидан Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармасидан олинган маълумотлар Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛК Департаментининг вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда доимий равишда таҳлил қилиб боришмоқда.

Нақд пул айланишининг белгиланган тартиби бузилишининг олдини олиш мақсадида жойларда ўтказилган тадбирларда айрим кўринишдаги қонунбузарликлар аниқланиб, тегишли прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, Жондор туман прокуратураси томонидан тумандаги "Бехуд Вахоб" маъсулияти чекланган жамиятида ўтказилган текширишда жамият раҳбари В.Бехудов 2010 йилнинг апрель-октябрь ойлари мобайнида пишиқ гишт маҳсулотларини ишлаб чиқариб, уни сотишдан тушган 34 миллион сўм нақд пул маблағини банк муассасасига топширмагани аниқланган.

Пешкулик хусусий тадбиркор А.Ашуров эса 2009-2010 йилнинг ўтган даврида Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳридан республикамиз ҳудудига жами 303 миллион 572,1 минг сўмлик ёғоч маҳсулотларини импорт қилиб, уларни сотишдан тушган 146 миллион 864,2 минг сўм нақд савдо пуллари назорат-касса машинасида ўтказмагани ва банк муассасасига топширмагани маълум бўлди.

Олот туман ҳокимлигидан яқка тартибдаги тадбиркор

сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолият юритаётган М.Эшонкулов жорий йилда 133 миллион 950,2 минг сўмлик турли хилдаги ноозиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилган. Савдодан тушган нақд пуллари эса на назорат-касса машинасида ўтказган ва на банк муассасасига топширган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси вилоят бўлими томонидан Бухоро шаҳридаги "Дилқушо" деҳқон бозорида фаолият олиб бораётган яқка тартибдаги тадбиркор А.Ходжаевнинг фаолияти ўрганилганда, у ун маҳсулотларини сотишдан тушган 31 миллион 883,3 минг сўм нақд пуллари худди шу тарзда "айлантиргани" аниқланган.

Кайд этилган барча ҳолатлар юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда олиб бориладиган текширишлар натижасига кўра, 4 та ноқонуний қарорни бекор қилиш ҳақида протест келтирилди. Прокрутор тақдимномаси ва қарорларига асосан 31 нафар шахс маъмурий ҳамда 64 нафар шахс иттизоий жавобгарликка тортлиб, кўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 11 та жиноят иши кўзгатилиди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банкларда депозит ҳисоб варақаларидан нақд пул тўловларини узлуқсиз таъминлаш қасдлари тўғрисида"ги 2010 йил 5 августдаги 147-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида миқозларнинг банкдаги ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ўз вақтида олишларида қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, ижро иттизоми ҳамда фуқаролар муножаатларининг ҳал қилиниши аҳволи "Агробанк" ОАТБ вилоят бошқармаси тизимида ўрганиб чиқилди.

Қонунбузилишига йўл қўйилмаслиги лозим

Равшан ИБРАГИМОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Вилоят ҳудудида "Агробанк" ОАТБ вилоят бошқармасининг 8 та филиал мавжуд. Жорий йилнинг 1 август ҳолатида уларда яъни, шаҳар ҳудудий филиалида 841 та, Қонимех филиалида 688 та, Қармана филиалида 1055 та, Қизилтепа филиалида 1606 та, Нурота филиалида 1121 та, Томди филиалида 339 та, Кескентерак филиалида 1019 та, Янгиробот филиалида 2212 та миқозга хизмат кўрсатилган. Банк муассасасининг филиаллари асосан қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарида хизмат кўрсатади.

Юқоридаги қарорнинг тўлиқ матни ва банк муассасасининг барча филиаллари раҳбарларининг жавобгарлиги, миқозлар ҳуқуқлари, қарор талаблари бузилган тақдирда зудлик билан ишонч телефонлари орқали тижорат банкларининг юқори ташкилотларига, Марказий банк муассасасига хабар берилиши юзасидан банк муассасасининг барча филиаллари биносида, валюта айирбошлаш шохобчаларида, ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъектларнинг касса бўлимидаги кўрнарли жойларда пешлавлалар осиб қўйилган.

Банк муассасаси бошқармаси ва филиалларида ишонч телефонларидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш ва ўз вақтида бартараф этиш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этилган. Гуруҳ доимий равишда фаолият кўрсатиб боришмоқда. Қарор талабларидан келиб чиқиб, ҳар ой якуни бўйича ишчи гуруҳи йиғилишлари ўтказилиб, нақд пулга бўлган талабни қондириш чора-тадбирлари белгилаб олинган.

Бироқ маълум ишлар амалга оширилиши билан бирга қатор қонунбузилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган.

Банк муассасаси филиалларида қорхона ва ташкилотларни нақд пул билан таъминлашда юқорида қайд этилган қарор талаблари бузилган ҳолда 95 кунга қадар, яъни 3 ойдан ортиқ мuddатда нақд пул билан таъминлаш ҳолатларига йўл қўйилган.

Масалан, Нурота туман газначилик бўлимининг туман халқ таълими бўлимига қарашли мактабни нақд пул билан таъминлаш ҳақидаги тегишли тўлов чеки 2010 йил 21 январда банк муассасасига тақдим этилган. Банк муассасаси эса нақд пул билан таъминлашни 3 ойдан ортиқ вақт ўтгандан кейин амалга ошириш натижасида, қарор талаблари бузилган.

Худди шундай қонунбузилиш ҳолатларига Хатирчи, Қонимех, Қизилтепа, Навбахор туманлари ва Навоий шаҳар филиалларида ҳам йўл қўйилган. Бир қатор қорхона ва ташкилотлар, бюджет ташкилотларини нақд пул билан таъминлашнинг кечиктириб келинганлиги ачинарлидир.

Қарор талабларига кўра, ҳар бир тижорат банки муассасасида нақд пулга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида нақд пул захираси бўлиши лозим. Аммо захира нақд пул билан доимий равишда тўлдирилиб боришига эришилмаган.

Масалан, вилоят марказий банки томонидан "Агробанк" ОАТБ вилоят бошқармаси тизимида 2010 йил 1 август ҳолатига минимал нақд пул лимити 624 млн. сўм қилиб белгиланган бўлса-да, шу вақт оралиғида бу кўрсаткич атиги 242 млн. сўмга ёки 38,7 фоизга бажарилган, ҳолос.

Қармана туман филиалида ишчи гуруҳи таркиби 2005 йилда тузилган бўлиб, шундан сўнг янгиланмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ишчи гуруҳининг ҳар ой якуни бўйича йиғилишлари ўтказиб борилмаган.

Навбахор туман Кескентерак филиалида ишчи гуруҳининг ҳатто тузилмаганига нима дейсиз? Нақд пул тушумини қўлайтириш борасидаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги боис, нақд пул захирасида режадаги 77 миллион сўм ўрнига атиги 3,5 млн. сўм жамланган.

Текшириш давомида банк тизими муассасаларидан тадбиркорлик субъектларига нақд пул маблағлари олиб берилиши таъминланди. Масалан, Навоий шаҳридаги "Давр" фермер ҳўжалигига шаҳар ҳудудий бўлиминдан 200 минг сўм, Нурота филиалидан туман "Қизил ярим ой" жамиятига 200 минг сўм, яқка тартибдаги тадбиркор А.Турсуновга 500 минг сўм, Қармана филиалидан тумандаги яқка тартибдаги тадбиркорлар Ш.Исломовга 300 минг сўм, Ш.Содиқовга 500 минг сўм, Қонимех туман филиалидан яқка тартибдаги тадбиркор А.Қазоқовга 300 минг сўм нақд пул олиб берилиши таъминланиб, уларнинг ҳуқуқлари тикланди.



Мажбурий суғурта

унинг меҳнат муносабатлари жараёнида ходимга етказилган зарарни қоплашдаги аҳамияти

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга мустақилликка эришилган илк кунлардан бери долзарб масала сифатида қараб келинмоқда. Кучли ижтимоий ҳимоя бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта тамойилларидан бири сифатида танланганлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Бу борадаги ишлар самаралорлигини ошириш ва бунинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун эса қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, ўзгалар парваршишга ва кўмағига муҳтож бўлган шахсларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, уларга соғлом турмуш шaroити яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонунга кўра, давлат ногиронлар турмуш фаолиятининг чекланганлиги баҳолаш асосида уларнинг ижтимоий ёрдамга ҳамда ҳимоя чора-тадбирларига бўлган эҳтиёжларининг ҳисобга олинишини таъминлаш, ногиронларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган турларидида дастурлар амалга оширилишини, ногиронларнинг ҳаётини билан уйғунлаштириш учун шароитлар яратиш, ногиронларни қасб-хўжаликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар қўрилишини кафолатлаш белгиланган бўлибди.

Шу билан бирга, қонунда нафақат ногирон бўлган шахсларни, балки шахсининг ногирон бўлиб қолишига олиб келадиган омилларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, қонуннинг 28-моддасида айтилишича, агар ходим иш бевуручининг айби билан ногирон бўлиб қолса ҳамда ўзгаларнинг парваршишга ва ёрдамга муҳтож бўлса, унда иш бевуручи ногирон меҳнат қобилиятини йўқотган даврда унинг теббий меҳнат эксперт комиссиялари ёки теббий-маслаҳат комиссияларининг ҳулосасига биноан парваршиш қилаётган шахсни ўз ҳисобидан таъминлаш, жабрланган ходимга етказилган моддий зарар ва маънавий эътиборнинг ўрнини қоплаш шарт. Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 168-моддаси бундай ҳолатдаги ходимнинг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаб, "меҳнатда майиб бўлиш, касб касалигига чалиниш ёки ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ходимга соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш бевуручи тўлиқ ҳажмида тўлаши шарт", деб белгиланган бўлибди.

Ходимнинг иш бевуручининг ҳудудидан ҳам, унинг ташқарисида ҳам меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек, иш бевуручи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келатган ёки ишдан қайтаётган вақтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун

иш бевуручи моддий жавобгар бўлади.

Меҳнатда майиб бўлиш оқибатида ёки ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли ходимга етказилган зарарни иш бевуручи, башарти зарар унинг айби билан келиб чиқмаганлигини исботлаб беролмаса, тўлаши шарт.

Ўз меҳнат вазифаларини бажариш муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, унинг оила аъзоларига етказилган ҳар қандай зарарни иш бевуручи тўлиқ ҳажмида тўлайди. Иш бевуручининг бундай мажбурияти Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 187-моддасида қатъий белгиланган бўлибди.

Меҳнат вазифаларини бажариш муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ низоларнинг ҳал қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Меҳнат, Фуқаролик-процессуал кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2003 йил 19 декабрдаги "Меҳнат вазифаларини бажариш муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 6-сонли Қарори ва ушбу муносабатларни тартибга солишчи Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган "Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалиқларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши тўғрисида"ги етказилган зарарни иш бевуручи томонидан тўлаш қоидалари", Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқаришдаги бaxтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигини бошқа хил зарарланганини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом" ва бу масалага доир бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда.

Ишлаб чиқаришда ногирон бўлган шахсларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қатор имтиёзлар яратилган. Жумладан, меҳнат жараёнида майиб бўлиш ёки соғлиққа етказилган бошқа шикастланиш ёки боқувчиси вафот этганлиги натижасида келиб чиққан зарарларни қоплаш ҳақидаги аризаларни беришда даъвогарлар суд харажатларини тўлашдан озод этиладиган. Даъво қаноатлантирилган тақдирда, суд харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардан ундирилиши ногиронларга судга муурожаат этиш бўйича тегишли имтиёзлар яратилганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, ногиронлики белгиланган, ногиронлик даражасини аниқлаш юзаси-

дан судга муурожаат қилиш муддатлари борасида ҳам имтиёзли муддат белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 163-моддаси талабига мувофиқ, ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш вақтида уларга етказилган шикастлар ёки боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан тўланадиган зарарни ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати таъбиқ қилинмайди. Кайд этилганларга кўра, даъво қилиш муддати асосли сабаблар билан йўқолиб қолганлиги аризаларини судлар томонидан қўриб чиқишга қабул қилинмаслиги мумкин эмас. Шунингдек, рад қилишга ҳам йўл қўйилмайди.

Амалиётда айрим иш бевуручилар томонидан ходимга етказилган зарарнинг вақтида қопланмаслиги ва уларга ногиронлик даражасининг ўз вақтида белгиланмаслиги, меҳнат муносабатлари жараёнида ногирон бўлган шахсларнинг сарсон бўлишига олиб келади. Масалан, "Силк-Род" Ўзбекистон-Япония қўшма корхонасида 2-тунги сменада ишлаётган Нурмухаммедова Гўзалнинг чап қўлини опунга станого ўраб кетиши оқибатида унинг тўртта бармоғи жароҳлиқ. Йўли билан кесиб ташланган ва у 9 кун шифохонада даволанади. Лекин иш бевуручи, бaxтсиз ҳодиса тўғрисида далолатнома тузмасдан, бу ҳолатни келиб чиқишида ходимнинг ўзини айблаб, тегишли тўловларни тўлашдан бош тортади. Бироқ бу ҳолат Г.Нурмухаммедова иш бевуручининг айби билан бир неча йиллар давомида сарсон бўлгандан кейин унга 1 млн. 870 минг 220 сўми жавобгардан ундириш ҳақида суд қарорининг қабул қилинишига тўсиқ бўлмайди. Бу тўловлар иш бевуручи томонидан ходимнинг соғлиғига зарар етказилганда бир йўла берилмаган бир йиллик иш ҳақи миқдориди ва ойма-ой берилмаган тўловлар ҳамда қўшимча харажатлардан иборатдир. Бундай ҳуқуқбузарликлар айрим ҳолларда иш бевуручиларнинг етказилган зарарларни тўлашга қобилиятсизлиги натижасида ҳам келиб чиқади.

Республикамизда иш бевуручилар томонидан айнан мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, иш бевуручининг юқоридаги қаби мажбуриятларни ўз вақтида амалга оширишини таъминлаш, яъни ходимнинг меҳнатда майиб бўлиши, касб касалиғига чалиниши ёки соғлиғига зарар етказилганда етказилган зарарни ўз вақтида қоплашнинг таъминлаш мақсадида 2009 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Иш бевуручининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Бу қонуннинг асосий мақсади ва вазифаси меҳнат муносабатларини бажариш жараёнида шикаст олиб, ногирон бўлган шахсларга етказилган зарарни ўз вақтида

Матлуба АМИНЖОНОВА,
Бош прокураторнинг
ОЎҚ катта ўқитувчиси

қоплашдан иборат бўлиб, уларга меҳнат жараёнида соғлиғи ёки ҳаётига етказилган шикаст билан боғлиқ тўловларни ўз вақтида олишларида муҳим аҳамиятга эга.

Иш бевуручининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш фаолияти иш бевуручи билан суғурта идоралари ўртасида бир йил учун тузилган суғурта шартномаларига кўра амалга оширилиши белгиланган бўлибди. Ходимга ўз меҳнат вазифасини бажариши жараёнида етказилган зарарни қоплашда иш бевуручи суғурта товодини тўлашни сўраб, суғурта идорасига ариза билан муурожаат қилади ва бу аризага қўйидаги ҳужжатларни илова қилиши лозим:

— иш бевуручининг ишлаб чиқаришдаги бaxтсиз ҳодиса оқибатларига кўра етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги буйруғининг нусхаси;

— ходимнинг ёки наф олувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаби кўрсатилган, иш бевуручининг номига ёзилган аризасининг нусхаси;

— суғурта ҳодисаси оғз бергунча қадар ходим олган ўртача ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

— меҳнат шартномасининг (контрактнинг) нусхаси;

— касб касалиғида - ходимнинг касб касалиғи тўғрисидаги теббий ҳулоса;

— ишлаб чиқаришдаги бaxтсиз ҳодиса содир бўлганлигини ва ходим учун унинг оқибатини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишлаб чиқаришдаги бaxтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси, теббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг ҳулосаси, низоляр юзага келган ҳолларда эса - суднинг қарори).

Ходим вафот этган тақдирда, унинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси ва наф олувчининг зарарнинг ўрни қоплашига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

Суғурта идоралари томонидан суғурта товодини тўлаш масаласини ҳал қилишда юқорида қайд этилган ҳужжатлардан ташқари, бошқа ҳужжатларни талаб этиш таъқиқланади.

Иш бевуручининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганда иш бевуручига ва жабрланувчига ёхуд наф олувчига ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касалиғига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг соғлиғи ёки ҳаётига етказилган зарарнинг ўрнини иш бевуручининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий су-

гурта қилиш шартномаси бўйича шартлашилган ҳақ (суғурта муқофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олади. Бундан кўриниб турибдики, ходимга етказилган зарарни қоплашда етказилган зарарнинг келиб чиқиш ҳолатлари, ходимнинг зарарни келиб чиқишидаги айблили даражаси, иш бевуручининг айблили даражаси, ногиронлик даражаси ҳамда келтирилган зарар миқдори аниқлашда суғурта идораларининг иштироки таъминлашни шарт. Бунинг учун иш бевуручи содир бўлган бaxтсиз ҳодиса ҳақида суғурта идораларига ўз вақтида хабар бериши лозим. Чунки, қонуннинг 17-моддасига кўра, ишлаб чиқаришдаги бaxтсиз ҳодиса юз берганлиги ўзига аён бўлган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши белгиланган бўлибди. Чунки, қонуннинг 18-моддасига кўра, суғурталовчига ишлаб чиқаришдаги бaxтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб қилиш, ишлаб чиқаришдаги бaxтсиз ҳодисага доир ахборотларни текшириш ҳуқуқи берилган. Иш бевуручининг бaxтсиз ҳодиса содир этилганлиги ҳақидаги хабарни ўз вақтида бермаслиги суғурталовчини юқоридаги ҳуқуқларини бузилишига, суғурталовчига тўлашни лозим бўлган тўловларни кечиктирилишига олиб келади. Ана шу жиҳатдан иш бевуручининг суғурта ҳодисаси ҳақида хабар бериш мажбурияти муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг "Иш бевуручининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонунда иш бевуручининг ушбу мажбурияти белгиланган бўлсада, унинг ихроси таъминланмаганда қандай жавобгарлик келиб чиқиши аниқ қўрсатилмаган. Иш бевуручининг жавобгарлигини қонунда аниқ берилиши суғурта ҳодисасини келиб чиқиши ва суғурта қопламасини аниқлашда ҳамда меҳнат вазифаларини бажариш жараёнида зарар етган ходимларга зарар етказиш билан боғлиқ тўловларни ўз вақтида тўлашни қаноатлантириши.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, иш бевуручининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш, ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда унга етказилган зарарни ўз вақтида қоплашни таъминлашга ҳизмат қилади. Бу вазифаларни бир хилда ижро этилишини таъминлаш мақсадида иш бевуручининг бу тарздаги суғурта шартномаларини ўз вақтида тузмасанлиги учун жавобгарлик белгиланган билан бир вақтда, юқорида қайд этиб ўтилганидек, суғурта ҳодисаси ҳақида суғурта идораларига ўз вақтида (сабабсиз) хабар бераганлиги учун тегишли чора қўриш масаласини ҳам қўриб чиқиш лозим.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, мамлакатимиз қонунчилик тизимида мажбурий суғурта фаолиятининг белгиланиши - ҳар бир шахсининг ҳуқуқларини тўлақонли рўёбга чиқаришда ҳуқуқий кафолатни таъминлашга қаратилган. Шундай экан, мажбурий суғурта ривожланиб бориши энг аввало, инсоннинг шу жамиятдаги қадр-қимматида бўлган эътиборни аниқлаш, иккинчидан эса, мамлакатда қонун устуворлигининг таъминланганлигини билдиради. Шу билан бирга, ҳар бир ривожланган жамиятдаги қонун устуворлиги, шу жамият фуқароларининг фаоллигига ҳам боғлиқдир.

Уша муҳдиш кун самарқандликлар хотирасида бир неча ўн йиллар муҳрланиб қолса керак. Тарихнинг не-не залворли юкларини асрлар оша елкасида кўтарган, турли-туман воқеаларга, мусибатли туллар-у фарахбахш кунларга гувоҳ бўлган "Рўйи замин сайқали"нинг ҳам айнан шу куни қалби яна бир бор ларазага келиб, ҳодиса сабабчиларига лаънатлар ўқиган бўлса, не ажаб. Ахир бири 19, иккинчиси эса бор-йўғи 9 ёшни қоралаган опа-укаларнинг гуноҳлари не эдики, оламга эндигина келиб, ҳали ҳаётнинг ачқич-чучугини татиб улгурмаслариданок бу дунёдан кўз юмсалар?! Айниқса, уч яшарлигида ота-онасининг ишлаш учун хорижга кетганлиги туфайли уларнинг меҳридан вақтинчалик мосуво бўлса-да, ўзининг зук-колиги билан аллақачон катталарнинг эътиборини тортган Ўлмасбекнинг айби не эди?

Эндигина 11 ёшга тўлган Моҳина-чи?! Мактабдан қайтиб, уйга кириши биланок доимо меҳрибончилик қилувчи опажони Мадинани, у билан таллашиб-тортишиб юрувчи укаси Ўлмасбекнинг қонга беланиб ётишганини кўриб қай аҳволга тушди экан?! Опаси билан укасининг бу дунёга тўймаган, гуноҳларининг не эканлигини билмай, ҳам ҳайронлик, ҳам даҳшатдан қотган кўзлари бир умр ёдидан чиқмаса керак.

...Бўлар иш бўлди, вақтни энди орқага қайтариб бўлмайди. Бу дунёга бегуноҳ келиб, бегуноҳлигича бевакт кетган опа-укаларнинг ота-онаси-ю яқинларига сабр тилашдан ўзга чорамиз йўқ. Аммо уларнинг умрига зомин бўлган кимсаларнинг қилишини қандай изоҳлаш мумкин? Арзимиған 500 АҚШ доллари-ю иккита қўл телефони икки қорақўзнинг ёш умрига зомин бўлди, холос.

Ким билсин, балки ҳозир Исомиддин ўша куни коллеждаги машгулотлардан кейин, тансоқчи бўлиб хизмат қиладиган иккинчи иш жойи, ресторанга келгач, шу мавзуда гап очган, ана келиб-келиб айнан уни танлаган Арсенга лаънатлар ўқийётгандир?! Балки, коллеждаги мураббийлигига қандай қилмай, қўшмача даромад топай дея ана шу ресторанга ишга киргани-ю, Арсен билан танишгани учун ўзини қойибётгандир?! Нима бўлганда ҳам, ўша куни Арсендан бойвачча қиз ҳақида эшитди-ю, уни шайтон йўлдан урди.

— Исом, пулдан қўйналиб қолганинги биламан, — деган эди ўша куни Арсен. — Менин аҳволим ҳам сенкидан яхши эмас. Шунинг учун ўйлаб-ўйлаб бир ишни мўлжаллаб қўйдим. Агар хоҳласан...

— Соққаси намд бўлса бўлди. Бир ёқда уйни таъмирлаш керак. Иккинчи томондан уйланиш масаласи... Э-й, жуда қўйналиб кетдим.

— Бўпти, бўлмаса гап бундоқ. Бир қўшим бор. Ёшгина қиз. Укаси билан яшайди. Ота-онаси Америкада ишлаб, унга ҳар ой қўйишдан анча-мунча жўнатиб туришади. Агар хоҳласан, манзилини бераман. Би-ир айланиб чиқасан. Топганингни ўртада.

— Бировнинг уйига боскинчиликка туш, демокимсан? — Нима бўпти?! Унинг уйида биласанми қанча бор? Ахир ота-онасининг кетганига олти-



етти йил бўлиб қолган бўлса...

— Хўп, қанча пули бор экан?

— Йигирма мингдан кам эмас. Буниси аниқ. Агар рози бўлсанг, уйини кўрсатаман. Аммо билиб қўй, ярми меники...

Айтмоқчи, эшиги мустаҳкам темирдан. Шунинг учун хонадонга фақат уйда одам бўлгандагина кириш мумкин... Шу кундан бошлаб Исомиддиннинг тинчи йўқолди. Бир томондан бировнинг уйига киришга қўчиса, иккинчи томондан минг-минглаб долларлар унинг эс-хушини ўғирлаб қўйган эди. Икки-уч кун ўйлаб юрди-да, ахирги Арсенга учрашиб, рози эканлигини билдирди. Ўша кунёқ Арсен уни ўзи яшайдиган уйга бошлаб келиб, қўшни қиз қайси қаватда яшашини кўрсатиб, телефон рақамини ҳам берди. Исомиддин ўйлаб қараса, бу иш бир ўзининг қўлидан келмас экан. Шунинг учун бегонадан кўра ўзимники, дея укаларини жалб қилишга қарор қилди.

Исомиддиндан бу гапни эшитган Низомидин билан Сирожиiddин аввалига нима дейишни билмай қолишди. Аммо нафс устунлик қилиб, укалар аканинг тақлифига розилик билдирди. Эндики навбат, қандай бўлмасин қизни эшик очишга кўндиришга келди. Ахир Арсеннинг гапига қараганда, Мадина бегона одамга эшик очмас экан! Исомиддин бунинг ҳам йўлини топди. Ўйлаб қараса, ресторанда ишлайдиган Насибадан фойдаланса бўлар экан. Қолаверса, унга уйланмоқчи бўлиб юрган бўлса! Шунинг учун тезда қизни топди-да, бир одам унга қарзини бермаётганини, аёл киши бўлганлиги боис эшикни бегона эркакларга очмаслигини айтиб, шу ишда ёрдам беришини сўради. Насиба рози бўлди.

Хаш-паш дегунча 30 январь ҳам келди. Аканинг топириги ёғга кўра, Низомидин ва Сирожиiddин эрта билан у айтган жойга етиб келишди. Кўп ўтмай Насиба билан Исомиддин ҳам пайдо бўлишгач, ишга киришишди. Аввалига йўлла-

рида учраган дорихонага кириб, Мадинанинг уйига қўнғирок қилишди. Ғушакни қиз бола олиши билан, жавоб бермай ўзиб қўйишди. Сўнгра яна иккита дўкондан, охирида эса уйнинг ёнгинасида жойлашган дўкондаги телефонлардан кетма-кет қўнғирок қилишди. Уй эгасининг уйда эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилишгандан кейин шошилмай, уй атрофида бироз айланиб, вақт ўтказишди. Ён-атрофда ҳеч ким кўринмай қолгандагина, секин учинчи қаватга кўтарилиб, эшикдаги тугмачани босишди. Ичкаридан "ким?" деган овоз эшитилиши билан Насиба: "Насибаман" деди-ю, Исомиддиннинг имоси билан зинадан пастга тушиб кетди-да, тўғри машинага келиб ўтирганча уларни кута бошлади. Эшик очилиб, останада ёшгина қиз қўйиниши билан Исомиддин ўзини ичкарига урди. Унга укалари ҳам эргашди. Исомиддин эшикдан кириши биланок қизнинг ёқасидан бўғиб олди-да, "Пул қанча?" дея уни деворга тиради. Тўсатдан бўлган ҳужумдан батамом эсанкариб қолган қиз энди бақирмоқчи ҳам эди, Низомидин унинг орқасига ўтиб, бир қўли билан оғзини, иккинчиси билан қўлларини маҳкам ушлади. Худди шу пайт, рўпарадаги хонадан бир бола чиқди-ю, опасини бегона одамлар ушлаб турганини кўриб, бақирганча улар томон югурди. Низомидин шу заҳоти қизни қўйиб қобориб, болага пешвоз чиқди-да, унга зарб билан мушт туширди. Бола деярли ўчиб кетди. Низомидин бунга қаноат қилмай, термоснинг боғичини олиб, боланинг бўйиндан ўтказганга бўға бошлади. Ёшгина болада қанча куч-қувват бўларди... Бояқш бир-икки сониядаёқ кўкариб, ҳушидан кетди. Низомидин уни ўз ҳолига ташлаб, акасининг ёнига ошиқди. Бу пайтда Исомиддин ҳушидан кетган қизни ўзига келтириш билан овора эди.

— Менга қара, — деди у укасига қўзи тушиши биланок. — Бола сени таниб қолди. Ма, манави пичок билан уни тез

Содиқжон БЕРДИАЛИЕВ,
Чилонзор туман прокурорининг
ўринбосари

тинчит...

Низомидин бола билан овора бўлаётган вақтда акаси деярли ҳушидан кетган қиз уларни таниб қолганидан ҳавотирга тушган, шу боис ошхонага кириб, у ердан пичок олиб чиққан эди. У ҳозир ана шу пичокни укасининг қўлига тутказди...

Бу қандай разолатки, ака укага пичок берса-ю, одамни, одам бўлганда ҳам, ҳали ўсмирлик палласига-да қадам қўйишга улгурмаган оғиз бир болакани йўқ қилишни буюрса... Вақти келса, товўқ ёки ҳўрозни сўйишга қўлимиз бормайди. Гоҳида уларга маълум даражада жонимиз ачийди ҳам. Юқоридаги ҳолатда эса...

Хуллас, жоҳил аканинг буйруғи ундан-да жоҳилроқ ука томонидан зумда амалга оширилди. Низомидин қонга беланган пичокни маҳкам ушлаганча яна йўлакка қикди. Қиз энди бироз ўзига келган, жahlга минган Исомиддин ҳануз уни қистовга олар, уларнинг ёнида эса довдирарган қўйи Сирожиiddин турарди.

Низомидин ҳозиргина қилган қилмишидан ҳали ўзига келмай, асаблари тараңлашган эмасми, укасининг бундай аҳволда туриши унга қаттиқ таъсир қилди. Кўзлари олазарак бўлганча, Сирожиiddинга тез арқон топишни буюрди. Сирожиiddин у ёқ-бу ёқни қарагач, таввақал деди-ю стол устидаги компьютернинг шнурини сугуриб, акасига берди. Энди Низомидиннинг қўзига ҳеч нарса кўринмасди. У қўллари титраганча, шнур билан қизнинг бўйиндан бўғганча, ичкари хонага судради. Қийноқлар жонидан ўтди шекл-ли, қиз зўрға пул ичкари хонада эканлигини айтди. Низомидин уни ташлади-да, ўша ёққа югурди. Ҳаммаёқнинг тит-питини чиқариб, қойнак ичидан 400 долларгина пул топди. У пулларни шу заҳоти Исомиддинга тут-

қазди. Шу пайт қўшни хонадан чиққан Сирожиiddин ҳам бор-йўғи юз доллар топганини айтиб, у ҳам пулни акасига берди. Арсен айтган пулларнинг топилмаганидан, устига-устак бир боланинг ўлимига ҳам сабабчи бўлганликлари Исомиддинга қаттиқ таъсир қилди. У қизни яна қийнаб кўрди, аммо у жавоб берадиган аҳволда эмасди. У шундагина энди ортага йўл йўқлигини англаб етди. Шу боис, Низомидиндан пичокни тортиб олди-да, қизнинг тепасига келди...

У ишни бажариб бўлиб қараса, Сирожиiddин аллақачон уйни тарк этибди. Шунинг учун Низомидинга тез қоғоз топишни буюриб, ўзи ҳам ҳожатхонадан қоғоз олиб чиқди. Сўнгра, йиғилган қоғозларни йўлакка тўплаб гугурт чакди-да, укасига "кетдик" деган маънода бош ирғади. Низомидин қишқи билан эшикдан қалитлар шодасини сугуриб олиб, ташқари томондан қўлфлади. Қўчага чиққач, қалитларни қаражал томонга отиб юборди. Югурганча бориб, машинага ўтиришгач, тезда жуфтакни ростлашди. Улар аллақачон йўл босганларидан кейин тўсатдан Низомидин тилга кирди:

— Ака, арзимаган 500 доллар учун иккита одамнинг бошига етдик-а! У ерда пул кўп деб ким сизга айтган эди? Бошқа пул чиқади-ку!

— Пул йўқлигини мен туш кўрибманми?! Пул бор деб Арсен айтган эди. Ифлос, ҳали қўлимга тушди-ку!..

Исомиддин ихарада яшайдиган уйга келишгач, Исомиддин билан Низомидин эгиларидаги қон юки бўлган қиймаларни ечиб, ювиш учун Насибига беришди. У қиймалар нима учун қон эканлигини сўраган ҳам эди, Исомиддин унинг бу билан иши бўлмаслигини, агар бировга оғиз очса, нафакат ўзини, балки ота-онасини ҳам ўлдиришини айтиб, бўлпаса қилди. Шундан сўнг "ўлжа" тақсимланди. Исомиддин укалари билан Насибига юз доллардан бергач, қолган пулни ҳамда ўша ердан ўмариб чиқишган қўл телефонларидан бирини ўзига олиб қолди. Иккинчи телефонга эса Низомидин ағалик қилди...

Бўлиб ўтган муҳдиш ҳодиса юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тезкор-тергов гуруҳининг қарийб бир йил мобайнида эзлаб тахминлар бўйича минглаб гувоҳлар билан тиним билмай, кеча-ю кундуз олиб борган сай-ҳаракатлари ниҳоят ўз самарасини берди. Арсен, ака-ука Эргашевлар ҳамда Насибанинг қабхи жиноятлари фош этилди.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди мазкур жиноят ишини қўриб чиқиб, А.Аганов, И.Эргашев ҳамда Н.Эргашевларга умрбод, кенжа ука С.Эргашевга 25 йил, Н.Юсуфовага эса 4,5 йил озодлиқдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Ҳа, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаганидек, бу сафар ҳам қотиллар қилмишларига яраша жазоландилар. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат, эркин, инсонпарвар фуқаролик жамияти қўриш йўлида дадил одимлаётган мустақил давлатимизда ҳар қандай жиноят фош этилиб, жазонининг муқаррарлиги таъминланади.

Ёлғони ростдек қўшни

Сардорбек КАРИМОВ,
Чортоқ туман прокурори

Чортоқлик Нарзилло (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг аввалдан меҳнатга тоби йўқ, бирор ерда ёлчилиб ишламагани ҳам. Нима бўлай-ю, маҳалладошларига эргашиб Қозоғистонга ишлагани бориб қолди.

Бошида биров қийналди. Чунки Олма-ота шаҳридаги қурилиш фирмасининг кўлами кенг, бу борада тажрибаси бўлмаган кишининг ишга киришиб кетиши қийин кечиши табиий эди. Бироқ Нарзилло лафз-даханли эмасми, тилёғламалик билан қурилиш инженерларидан бирининг этагидан тутиб, унинг ёрдами билан анча ўзини ўнглаб олди.

— Мен ҳам аввал Ўзбекистонда яшаганман, — деди Аббос унга. — Бу фирма жуда катта, "объект"лари ҳам кўп. Қариндошларинг орасида бу ерда ишлашни хоҳлайдиганлар бўлса айтавер, ҳар қанча иш бўлса, топиб бераман!

Бу гапни эшитган Нарзилло хурсанд бўлиб кетди. "Жиянларимни чакирсам бўларкан, — кўнглидан ўтказди у. — Уларга иш буюриб, ўзим соя-салқинларда юрсам ҳам бўлаверади..."

Куз охирида, кунлар совий бошлаб, оиласидан хабар олгани келганда қариндошлари Нарзилло билан кетиш ниятлари борлигини яширишмади. Аббос билан олдиндан гаплашиб олгани учун баҳор келгач, тўрт нафар қариндошини ўзи билан олиб кетди.

Ўзининг устидан чиққан Аббос, Нарзиллонинг ёлғончи қилмай, янги келганларни иш билан таъминлади. Ойликларини ҳам вақтида берди. Кузда улар мамнун бўлиб, ортга қайтишгач, маҳалладошлари ҳам Нарзиллодан "Бизни ҳам ўзингиз билан олиб кетинг", дея илтимос қила бошлашди.

— Шароитлари зўр, овқатлари яхши. Маошига ҳам гап йўқ! — уларни баттар қизиқтиришга тушди Нарзилло. — Фақат... Маошини ўзининг кўлимдан олмасизлар. Қойдаси шунақа. Бу ёқдан ким одам олиб бурса, "хозин" пулни ўшанга беради...

— Ҳозир алданиб қолаётганлар кўп, — деди ўғлини Қозоғистонга бориш фикридан қайтара олмаган отахон. — Танишларинг ишончлими, ишқилиб?

— Ўзим уч-тўрт йилдан буён ўша ердаман-ку! — ранжиган бўлди Нарзилло. — У томонларнинг анчагина ҳадисини олганман, сизларни алдаб кетмасман...

— Сен-ку, алдамассан-а, танишларинг алдаб қўймасмикан, дейман-да, — отахон кўнглидагини очик айти олмай, қийналди. — Мусофир юрт, биров бировга ёрдам бермайди у ёқларда. Ҳайвондай сотиб буюрилган қанчадан-қанча одамлар ўз умига қайта олмай дарбадар юрибдикин, болам...

Нарзилло у деди-бу деди, уларни ўзига ишонтирди. 2008 йилнинг августига ўн нафар ҳамқишлоқларини Қозоғистонга олиб бориб, Марат исмли қозоқ йигитига топширди.

— Паспортларинг яроқсиз ҳолатга келиб қолмаслиги учун менда туради, — деди Нарзилло ишни тақсим қилиб, улар қурилиш ётоқхонасига жойлаштишгач. — Ҳали, ишга руҳсатнома ҳам олиш керак. Ҳар ернинг ўз қонун-қоидалари бўлади, бунга амал қилиш керак.

Ҳамқишлоқлари унга сўзсиз итоат этишди. Ахир бу бегона юрда уларнинг таниган-билгани фақат Нарзилло эди-да!

Аммо, иш бошлангач, шароитнинг Нарзилло ваъда қилганидек эмаслиги аён бўлиб қолди. Овқатнинг ҳам мазаси йўқ, гоҳ макарон, гоҳ картошка қайнатиб ейишдан нарига ўтилади. Ҳаммасидан ҳам қурилиш бошлигининг қўпол муомаласи-ю, зах ётоқхоналар уларни бездириб юборди. Боз устига, Нарзилло турли баҳоналар топиб, маошларни вақтида бермай қўйди.

Нихоят ишлар тугаб, улар қураётган бино битди. — Энди қайтсак ҳам бўлар? — сўради Аъзам исмли йигит. — Ойлигимизни олиб берасизми?

— "Заказчик" пулни ўтказиб бермай қийнапти, — деди Нарзилло навбатдаги баҳонасини бошлар экан. — Сизлар ҳозирча кетаверинглар, мен пулни олиб, ортингиздан етиб бораман...

Ҳамқишлоқлари бу сафар ҳам Нарзиллога ишонишди. Юртларига келишгач, унинг келишини умид билан кута бошлашди. Бироқ бу ёлғончининг яна бир пайраниги эди.

Нарзиллонинг ҳовлисига қатнай-қатнай чарчаган ҳамқишлоқлар алданганликларини англаб, ИИБга ариза беришди.

Ҳеч бир жиноий ҳаракат қонун таъкибидан қочиб қутилмаган. Шу маънода, Нарзилло Самадовга нисбатан жиноят иши қўзғатилгач, у ҳам ўзининг "улуши"дан бенасиб қолмади. Суд ҳукми билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, жабрланувчиларга етказган моддий зарар ҳам ундириб бериладиган бўлди. Ёлғони ростдек туюлган қўшининг қилмишлари шу тариқа яқун топди.

Ҳа, қозоқ элига катта пул ишлаб келиш орзусида борган фуқаролар шу тахлит машаққатларни бошдан кечиришди. Содаликларни оқибатида боши берк кўчага кириб қолишди. Яхши ҳамки, амалдаги қонунларимиз фуқароларимизнинг манфаатларини ҳамиша ҳимоя қилиб келмоқда. Бунга эса, улар кўрган зарарнинг ундириб берилаётганидан ҳам англаш қийин эмас.

Ёт юртларнинг кумуши

Шухрат РАЗЗОКОВ,
Нуробод туман прокурорининг ёрдамчиси

Табиатнинг тантилиги шундаки, ҳар бир инсон ўзининг ризқ-рўзи билан яратилган. Лекин шундай бўлса-да, она заминнинг шароити, иссиқ-совуғига қаноат қилмай, оиласининг олтини-ю, ўзи умрида кўрмаган ерларнинг кумушини орзу қилаётган бесаёр кишилар ораминда ҳали ҳам учраб турибми. Бундайлар ҳар жойда ҳам тошу тарози бир хил эканлигини билсалар-да, бошлари тошга урилмагунча, бунга тан олганлари келмайди.

Дилшод Жўраев ҳам туғилиб ўсган кишлоқда тулпа-тузук яшаб юрган эди. Оила-си ўзига тинч, тағида машина. Аммо Ўтқир исми ўртоғининг тавсияси билан Зокир Васиевнинг офисига борди-ю, бирдан ўзгарди-қолди. Ҳоҳатбарор танишидан уни яқин орада Норвегия давлатига юбориши, у ерда эса оёйга 3 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган маош тўланадиган ишлар қалайиш ётганини эшитгач, сафарга отланди. Отасининг: "Ёт юртларда қадр топа олмайсан. Ойланг бағрида, олдимда юргин", дея қилган насихатларидан натижа чиқмади. Аксинча, зудлик билан йўлқира ва табиий қўриқ харажатларидан ташқари, яна 6 минг АҚШ долларини қарз-хавола қилиб олган Дилшод ҳужжатлари билан долларнинг маълум қисmini Зокирга тутқазди.

